

## ЛИЗИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

Исломов Баҳриддин

Судьялар олий мактаби магистранти

### АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ривожлантириши ва бунда янги воситаларни самарали қўллаш тизими яратилди. Илгари амалда бўлган, талаб ва таклиф, рақобат каби мезонларга жавоб бермайдиган, маъмурий-буйруқбозликка буйсундирилган, қолоқ режали иқтисодиёт воситалари ўрнига иқтисодий муносабатларни шартномалар орқали тартибга солиш усулига ўтилди. Шу боис ривожланган хорижий давлат тажрибасида самарали қўлланилиб келинаётган янги шартномаларга асосланган тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай шартномалар жумласига рента, факторинг, концессия, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), лизинг шартномаларини киритиш мумкин. Мазкур шартномалар янги ҳуқуқий конструкциялар сифатида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришига хизмат қилиши билан бирга, ривожланган бозор қонуниятларга ҳам мослиги билан ажralиб туради.

**Калим сўзлар:** Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, лизинг, франшизинг, ижара муносабатлари.

## ЗНАЧЕНИЕ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ЛИЗИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Исламов Баҳриддин

Магистр Высшей школы судей

### АННОТАЦИЯ

В новом Узбекистане создана система развития народного хозяйства и эффективного использования новых инструментов. На смену методу регулирования экономических отношений посредством контрактов пришли отсталые инструменты плановой экономики, не отвечающие критериям спроса и предложения, конкуренции и подчиненные административно-командному режиму. Поэтому особое внимание уделялось налаживанию хозяйственной деятельности на основе новых договоров, в которых эффективно используется опыт развитых зарубежных стран. К таким договорам могут относиться договоры аренды, факторинга, концессии, комплексной бизнес-лицензии (франчайзинга), договоры лизинга.

*Являясь новыми юридическими конструкциями, эти договоры служат дальнейшему развитию предпринимательской деятельности и отличаются своей совместимостью с законами развитого рынка.*

**Ключевые слова:** Гражданско-правовой договор, лизинг, франчайзинг, арендные отношения.

## **КИРИШ**

Янги Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва бунда янги воситаларни самарали қўллаш тизими яратилди. Илгари амалда бўлган, талаб ва таклиф, рақобат каби мезонларга жавоб бермайдиган, маъмурий-буйруқбозликка буйсундирилган, қолоқ режали иқтисодиёт воситалари ўрнига иқтисодий муносабатларни шартномалар орқали тартибга солиш усулига ўтилди. Шу боис ривожланган хорижий давлат тажрибасида самарали қўлланилиб келинаётган янги шартномаларга асосланган тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай шартномалар жумласига рента, факторинг, концессия, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), лизинг шартномаларини киритиш мумкин. Мазкур шартномалар янги хуқуқий конструкциялар сифатида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, ривожланган бозор қонуниятларга ҳам мослиги билан ажralиб туради.

Маълумки, лизинг шартномаси фуқаролик муомаласининг хуқуқий шакли ҳисобланади. Лизинг замонавий, юксак технологияларни кенг миқёсда жалб қилган ҳолда, иқтисодиёт ва бизнес ривожланишининг гаровидир. Р.Дўстмуродов таъкидлаганидек, лизинг – бу асосий воситалар, қурилмалар шунингдек узоқ вақт ишлатиладиган истеъмол молларининг узоқ муддатли ижараси бўлиб, пул шаклидаги эмас, балки моддий шаклдаги кредит беришда ифодаланади<sup>1</sup>.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) мутахассислари томонидан лизинг қўйидагича талқин қилинган: лизинг – бу мулкий муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тараф (лизинг оловучи)нингтопшириғига биноан учинчи тараф (мол етказиб берувчи)дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг обьекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни тўлаш асосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтинчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг оловчига беради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Дўстмуродов Р. Фермер хўжаликларини техника билан таъминлашда лизинг тизимининг аҳамияти // Бозор ислоҳатларини чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантири: илмий-амалий семинар маъruzалар тўплами. - Тошкент. 2011. – 25 б.

<sup>2</sup> Лизинг инфо. Лизинг что это такое? Бизнес Вестник Востока, 23 мая 2002. №21 (539).

Европа федерациясининг лизинг бўйича миллий ассоциацияси томонидан лизингга берилган таъриф хам эътиборга молиқдир: лизинг – бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақсадида завод, саноат товарлари, ускуналар ва қўчмас мулклардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда мазкур товарлар ижара берувчи томонидан сотиб олиниб, у мулкка бўлган эгалик қилиш хуқуқини сақлаб қолади<sup>3</sup>.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хозирги кунда мамлакатимизда лизинг фаолияти кўламига талаб кучаймоқда. Бу эса бозорни янада ўзлаштириш учун мавжуд салоҳият омили ҳисобланиб, у рақобат муҳитининг кучайишига, бинобарин, лизинг фаолияти хизматлари ролини янада оширилиши заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда лизинг фаолиятини хукукий тартибга солишнинг аҳамияти ва зарурати бугунги кунда асосий масалалардан бирига айланиб улгурган. Чунки лизинг жараёнларининг ривожланиш динамикаси йилдан йилга ошиб бормоқда ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишнинг бир қисмига айланмоқда.

Айтиш мумкинки 2012 ва 2016 йилларда амалга оширилган лизинг операциялари ҳажми ва таркибини ўзаро таққослаганимизда мазкур фикрлар ўз исботини топади.

Мамлакатимизда 2012 йил якунлари бўйича лизинг хизмати бозорида умумий қиймати 590 млрд сўмни ташкил этган 7 мингдан ортиқ битим имзоланган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 805,2 млрд. сўмга етган ва лизинг битимларнинг умумий портфели 1 трлн. 511 млрд. сўмни ташкил этган. 2014 йилда лизинг операцияларининг умумий портфели 2 трлн. 139 млрд. сўмга тенг бўлган ва лизингга берувчилар томонидан 4 848 тага яқин янги лизинг битимлари тузилиб, уларнинг ҳажми 826 млрд. сўмга етган. 2015 йилда лизинг амалиётларининг умумий портфели 2,45 трлн.сўмни ташкил этгани ҳолда лизинг берувчилари томонидан 5,6 мингдан ортиқ янги лизинг битимлари тузилиб, уларнинг ҳажми 850 млрд.сўмдан ошгани қайд этилган. 2016 йилда лизинг амалиётларининг умумий портфели 2 трлн. 590 млрд. сўмни ташкил этиб, лизинг берувчилар томонидан деярли 5 540 та янги лизинг битими тузилган ва уларнинг ҳажми 973,1 млрд. сўмдан ошган.

Мутахассислар томонидан ҳам лизинг фаолиятини тартибга солиш борасида бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, О.Т.Ҳазратқуловнинг фикрича, ҳозирда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи

<sup>3</sup> “Крокус Интернэшнл”. Лизинг и коммерческий кредит. – М.: 1990. – С. 7.

хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар лизингни респубилка иқтисодиётiga жорий этиш заруриятини қун тартибига қўйди. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг молиявий тарафлама инқизозга юз тутиши ёки уларда етарли даражада айланма пул маблағларининг мавжуд эмаслиги лизингга бўлган эҳтиёжни кучайтиради<sup>4</sup>.

Лизинг аҳамияти ва зарурати борасида фикр юритиб, Э.Р.Набиев ва М.Д.Марпатовлар қўйидаги фикрни билдирадилар: мазкур ижара муносабатларининг бугунги кунда турли-туман шакллари ва турлари қўлланилаётганлиги ҳамда у маҳсус ихтисослашган ва бошқд молиявий ташкилотлар ҳамкорлигига амалга оширилаётганлиги сабабли, лизинг муносабатларининг мазмуни бойиб бормоқда<sup>5</sup>.

Иқтисодчи Е.А.Тельтевскаяянинг ёзишича, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва интеграция жараёнларининг кенгайиши шароитида корхоналарнинг рақобат имтиёзини ошириш омили сифатида турли инвестициялар алоҳида аҳамият касб этадики, бунда корхоналар олдида асосий фондларни янгилаш ва моддий-техник ривожланиш муаммоси юзага келади. Бироқ кўп ҳолларда компаниялар етарли даража ўз маблағларига эга бўлмайдилар. Акциялар ёки облигацияларни қўшимча эмиссия қилиш имкониятига эга фақат йирик компаниялар эгадирлар. Банклар эса асосан яхши кредит тарихига ва юқори ликвидли маблағларга эга корхоналарни кредитлашни лозим қўришади<sup>6</sup>.

Лизинг шартномасининг моҳияти ва уни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати хусусида И.И.Шарапов шундай ёзади: мулкий муносабатларнинг иқтисодий моҳияти ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳисобланади ва тегишли ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини белгилаб беради, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқий тартибга солиш ўз қонуниятларига асосланиши ва мажуд бўлган ёндашувлар асосида ҳуқуқий тартиботни белгилаш лозим<sup>7</sup>.

В.В.Витрянский лизингни ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамият борасида фикр юритиб, лизинг муносабатларини тартибга солишида мулкий муомалани ҳуқуқий тартибга солишининг мажуд тизимидан келиб чиқиш лозимлигини таъкидлайди<sup>8</sup>.

<sup>4</sup> Ҳазраткулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари.- Тошкент: Noshir, 2014. – 3 б.

<sup>5</sup> Набиев Э.Р., Марпатов М.Д. Лизинг гояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. – Тошкент: «ЎАЗЖБНТ» Маркази, 2004. – 18 б.

<sup>6</sup> Тельтевская Е.А. Развитие и совершенствование лизинга как современной формы инвестиций в обновление основного капитала: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М.: 2005. – 3 с.

<sup>7</sup> Шарапов И.И. Правовая природа договора лизинга // Проблемы в российском законодательстве. 2010. - №. – С. 13.

<sup>8</sup> Витрянский В.В. Договор финансовой аренды (лизинга)// Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации (специальное приложение). 1999. – №10. – С. 25.

Фикримизча, лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш унинг моҳиятини тўғри тушуниш ва шу асосда ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ва воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Амалдаги қонунчиликда лизинг ҳуқуқий тартибга солишга нисбатан шартномавий-ҳуқуқий усулдан фойдаланганлиги эса, лизинг фаолиятини амалга ошириш тарафларнинг ўзаро келишувига асосланишидан келиб чиққади. Бинобарин лизинг амалиётларини ривожлантириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш, шу жумладан лизинг схемалари кенг қўлланаётган кичик бизнесни ривожланиш истиқболларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар лизинг фаолиятини бугунги кунда аҳамияти ва заруратини белгилаб беради. Лизинг фаолияти муҳим масала бўлгани каби лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳам долзарб масала бўлиб келади. Чунки лизинг фаолияти ҳуқуқий тартибга солинсагина иқтисодий ривожланиш тизимли асосда ўсиб боради.

Лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати аввало ушбу ҳуқуқий муносабатнинг моҳиятидан англашилади. Чунки лизинг фуқаролик ҳуқуқидаги мавжуд шартномавий муносабатлардан фарқли равишда мураккаблиги ва субъектлари таркибига кўра кўп томонлама эканлиги билан ажralиб туради. Шу сабабли уч томонни бир ҳуқуқий муносабат – лизингга бирлаштириш ва уларнинг ушбу муносабатдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга нисбатан тегишли ҳуқуқий тартибга солиш усулларини белгилаш муҳимдир. Зеро лизинг орқали тадбиркорлик фаолияти ривожланар экан, уни тартибга солиш ҳам тадбиркорлик субъектларини кафолатлаш тизимиға йўналтирилмоғи зарурдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, шунингдек ижара муносабатларини такомиллаштиришда лизинг шартномаси катта аҳамият касб этади. Лизингни қўлланилиши билан давлат ва тадбиркорлар инвестиция муҳитининг яхшиланишига ва жаҳон бозорида хорижий компаниялар билан рақобат қила олиш даражасида саноат, қишлоқ хўжалигининг базавий соҳаларида ишлаб чиқариш суръатларининг ошишига умид қилишади. Бошқача айтганда, лизинг мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларидаги мавжуд техник ва технологик базани қайта жиҳозлаш воситаси сифатида қабул қилинади<sup>9</sup>.

Лизинг асосида мол-мулкдан фойдаланувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги муносабатлар бўлиб, унга зарурй мол-мулк учун у мурожаат қиласи ва у маҳсус равишида шу мақсад учун уни сотиб олади (бундай

<sup>9</sup> Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент: 2002. – 5 с.

муносабатлар тарафлари турли мамлакатларда турлича номланади). Лизингда ушбу иштирокчилардан ташқари бошқа субъектлар ҳам иштирок этишлари мумкин (масалан, қарз берувчилар, кафиллар), аммо лизингда кўпроқ учта тараф иштирок этади<sup>10</sup>.

Лизингни фарқлантирувчи хусусиятлардан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари этишмайди. Шу сабабли қўпинча лизинг операцияларидан жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда лизинг операцияларининг 85 фоизи жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган лизинг операциялари эканлиги қайд этилган<sup>11</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2015 йил 27 ноябрда 289-сон билан қабул қилинган “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларининг хўжалик судлари томонидан қўлланиши бўйича айрим масалалар тўғрисида”ги Қарори лизинг фаолиятини ҳуқукий тартибга солишда катта аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатда лизинг обьектлари, лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг шартномаларининг шартлари, лизинг обьектига бўлган мулк ҳуқуқи, у билан боғлиқ таваккаллар, лизинг обьектидан гаров сифатида фойдаланиш, субъектларнинг жавобгарлиги ва бошқа масалалар ўз аксини топган. Ушбу қарорга кўра лизинг субъектлари томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли тарзда бажармаслик муносабати билан юзага келадиган низоларни ҳал этишда судлар уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шартнома шартларини пухталиқ билан ўрганиши керак. Мазкур ҳужжат хўжалик судларига лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларини тўғри ва бир хил қўллаш бўйича конкрет тушунчалар беришга ҳамда ушбу йўналишда ягона суд амалиётини шакллантиришга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистонда лизинг бозори янада ривожланиши қатор омилларга боғлиқ эканлиги, улар ўртасида қулай қонунчилик муҳити ва лизинг компанияларига юқори даромадли инвестицияларни киритиш имкониятлари айниқса муҳим аҳамиятни касб этади. Бунинг устига, ҳозирги кундаги хусусий ва кичик бизнесга оид корхоналарнинг қурилиш материалларини, тўқимачилик маҳсулотларини, озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асбоб-ускуналарига, маҳсус қурилиш техникасига, автотранспортга (юк ва йўловчи ташиш) ва ҳ.к.ларга бўлган

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 2-жилд. – Тошкент: Baktria press, 2013. – Б. 369-370.

<sup>11</sup> Фуқаролик ҳуқуқи. II қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 186 б.

эҳтиёжи маҳаллий лизинг компанияларининг фаолияти доимий равища фаоллашиб боришига ўзига хос рағбат бўлади.

## **ХУЛОСА**

Хulosha сифатида айтиш мумкинки бугунги кунда лизинг фаолиятини хуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти зарурати давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлган ҳолда, жадал суръатларда ривожланиб боради. Мамлакатимизда лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар учун қулай бозор инфратузилмаси ва тегишли яратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда камчиликларни бартараф этиш бугуннинг заруратидир. Шу билан бирга мулкий муносабатларнинг фуқаролик хуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишни тақазо этади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Дўстмуродов Р. Фермер хўжаликларини техника билан таъминлашда лизинг тизимининг аҳамияти // Бозор ислоҳатларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантири: илмий-амалий семинар маъruzalар тўплами. - Тошкент. 2011. – 25 б.
2. Лизинг инфо. Лизинг что это такое? Бизнес Вестник Востока, 23 мая 2002. №21 (539).
3. “Крокус Интернэшнл”. Лизинг и коммерческий кредит. – М.: 1990. – С. 7.
4. Ҳазраткулов О.Т. Лизинг муносабатларини хуқуқий тартибга солиш муаммолари.- Тошкент: Noshir, 2014. – 3 б.
5. Набиев Э.Р., Марпатов М.Д. Лизинг ғояси, тарихи, хуқуқий асослари ва амалиёти. – Тошкент: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004. – 18 б.
6. Тельтевская Е.А. Развитие и совершенствование лизинга как современной формы инвестиций в обновление основного капитала: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М.: 2005. – 3 с.
7. Azimjon, I. (2022). ZARAR–YURIDIK SHAXS ISHTIROKCHILARI VA BOSHQARUV ORGANLARI FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIGINING ZARURIY SHARTI SIFATIDA.
8. Шарапов И.И. Правовая природа договора лизинга // Пробелы в российском законодательстве. 2010. - №. – С. 13.
9. Ibrohimov, A. A. M. O. G. (2023). IJARA MUNOSABATLARIDA IJARA HAQINI TO’LASH BILAN BOG’LIQ MASALALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 607-612.
10. O’G‘Li, A. A. M. (2022). KORPORATSIYA USTAV KAPITALI FUNKSIYALARI VA UNGA OID MILLIY QONUNCHILIK NORMALARINI

TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. *Academic research in educational sciences*, 3(8), 109-113.

11. Витрянский В.В. Договор финансовой аренды (лизинга)// Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации (специальное приложение). 1999. – №10. – С. 25.
12. Azimjon Abdumo'min o'g, I. (2023, January). IJARA SHARTNOMASI OBYEKTI. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 2, No. 1, pp. 161-165).
13. Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент: 2002. – 5 с.
14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 2-жилд. – Тошкент: Baktria press, 2013. – Б. 369-370.
15. Фуқаролик ҳуқуқи. II қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 186 б.